



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024
2/2-сон



Шахриёр Шодиёрович Тураев Юридик хизматларнинг таркибида адвокатлик фаолиятининг ўрни ва унинг назарий масалалари	74
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Росулбек Исломович Пардаев Яшил иқтисодиёт шароитида халқаро экотуризмнинг замонавий концепцияси ва амалиёти	79
Юлдуз Пирназаровна Урунбаева Ўзбекистонда янги-музей туризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари	83
Latofat Tolibovna Yuldosheva Tourism System: Tourism Supply and Bridging Components. Evidence from Samarkand	87
Shaxnoza Shuxrat qizi Xashimova Xorij mamlakatlarida sog‘lomlashtirish turizmi va uning rivojlanish xususiyatlari	93
Зухрали Турсуналиевич Абдулхакимов Халқаро туризм индустриясининг ривожланиш динамикаси, шаклланиш тенденциялари	99
Мохинур Ўлмас қизи Ўроқова Навой вилоятида сафари туризмни ташкил қилиш ва такомиллаштириш истиқболлари	104
Мухауво Вахрллоевна Хамроева Turizm sohasidagi hududiy transport xizmatlarining iqtisodiy ko‘rsatkichlari tahlili	109
Парвина Аслиддин қизи Холматова Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантиришнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти	113
Kamol Sharifovich Yuldashev Sayohatni mustaqil rejalashtirishda qo‘llaniladigan axborot texnologiyalari va uning bosqichlari	117
Анжим Айдосбаевна Ембергенова Қорақалпоғистон Республикасида замонавий туризмни ривожлантириш йўналишлари	123
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Гўзалхон Акром қизи Абдурашидова Маркетинг тизимида нархларни шакллантириш механизми тамойиллари ва усуллари	129
Мохиғул Эркиновна Ахтамова Стратегическое управление проектами в Республике Узбекистан: ключ к экономическому развитию	135
Nargiz Toxirovna Sattarova Mamlakatimizda sanoat korxonalarini boshqarish jarayonini takomillashtirish	139
ИНВЕСТИЦИЯ	
Акрам Одилович Очилов, Дурдона Хасан қизи Рахмонова Развитие экономики Кашкадарьинской области на основе внедрения инвестиций	143
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Jaxongir Rasulovich Zaynalov, Shaxnoza Maxmudovna Latipova Iqtisodiyotni erkinlashtirish sharoitida moliyaviy siyosatni rivojlantirish yo‘llari	148

3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika Agentligi “O‘zbekistonda turizm statistik to‘plami”
4. А. Ю. Александрова «Статистика туризма»
Makroiqtisodiy va hududiy tadqiqotlar instituti

<p>М.Хамроева</p> <p>Анализ экономических показателей региональных транспортных услуг в сфере туризма</p> <p>Аннотация: в статье рассматривается роль и аспекты транспортной отрасли в развитии туристской отрасли. Проанализированы экономические показатели транспортных услуг.</p> <p>Ключевые слова: транспортная отрасль, сфера туризма, экономические показатели, воздушный транспорт, железнодорожный транспорт, морской туризм, автотранспорт.</p>	<p>M.Khamroeva</p> <p>Analysis of economic indicators of regional transport services in the field of tourism</p> <p>Abstract: the article examines the role and aspects of the transport industry in the development of the tourism industry. The economic indicators of transport services are analyzed.</p> <p>Keywords: transport industry, tourism, economic indicators, air transport, rail transport, maritime tourism, motor transport.</p>
--	--

Парвина Аслиддин қизи Холматова – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таянч докторанти

ЭКОТУРИЗМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИ ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

<p>Аннотация: мақолада экотуризмнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари, назарий тушунчаси, шунингдек, Ўзбекистонда экотуризмнинг ривожланишининг устувор йўналишлари кўрсатиб берилган. Бундан ташқари, ушбу мақолада экотуризмнинг ўзига хос жиҳатларини кўриб чиқилган ҳамда унинг ривожланишига таъсир этувчи омилларни ўрганган ҳолда бу муаммога мос таклифлар берилган.</p> <p>Калит сўзлар: туризм, маданий туризм, экотуризм, қўриқхона, экология, табиий ресурслар, экологик хавфсизлик, экотуризмнинг мақсади, экотуризм хусусиятлари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, барқарор ривожланиш.</p>
--

Кириш. Сўнги ўн йилликлар давомида туризм узлуксиз ривожланиб, жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган тармоқларидан бирига айланиб бормоқда. Ушбу соҳа кўплаб мамлакатлар учун асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Туризм замонавий даврнинг энг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, одамларнинг эҳтиёжларини қондириш ҳамда аҳоли турмуш сифатини яхшилашга қаратилибгина қолмай, иқтисодиётнинг бир қатор бошқа тармоқларидан фарқли ўлароқ, табиий ресурсларнинг йўқ бўлиб кетишини олдини олишга қаратилган иқтисодий омил ҳамдир. Дарҳақиқат, экотуризм бир томондан, туристик бозорда жадал ўсиб келаётган тармоқ, иккинчи томондан эса инсоннинг табиатга ижобий таъсирига асосланган ва табиатга салбий таъсир кўрсатишининг олдини олишга қаратилган ягона тизимдир.

Бугунги кунда бутун дунё мамлакатлари бўйлаб туризмнинг муҳим тури бўлмиш экотуризм соҳасига бўлган эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда ва ушбу соҳани ривожлантириш учун кенг қўламли ишлар амалга оширилаяпти. Мамлакатимизда ҳам Янги Ўзбекистонни барпо этишда экотуризм соҳасида вужудга келаётган муаммоли ҳолатларни бартараф этиш борасида давлат томонидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Хусусан, Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026-йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг учинчи устувор йўналишида “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қилинг”¹ дастури доирасида “маҳаллий сайёҳлар сонини 12 млн. нафардан ошириш ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // lex.uz.

республикага ташриф буюрадиган хорижий туристлар сонини 9 млн. нафарга етказиш вазифаси белгиланган. Мазкур вазифанинг бажарилиши мамлакатда экологик туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг ички имкониятларини чуқур тадқиқ этиш, соҳанинг фаолият самарадорлигини баҳолаш тизимини ташкиллаштириш ва натижада ташриф буюраётган туристлар оқимини кўпайтириш ҳисобига миллий экотуризм тизимини шакллантириш асосида ҳудудларни улкан экологик туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш бўйича илмий-тадқиқотларга эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда. Шу туфайли экологик туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш долзарб мавзу ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Экологик туризмни ривожлантиришнинг замонавий хусусиятлари, унинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий роли хорижий олимлар яъни Г.Себаллос-Ласкураин¹, Д.А.Феннелл², К. Линдберг³, Д. Вевер⁴, М.Э. Вуд⁵ ва бошқаларнинг ишларида кўриб чиқилган, Ўзбекистонда ҳам экотуризм билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, экотуризмнинг иқтисодий хусусиятларини бевосита Тухлиев Н., Таксанов А.⁶, Тухлиев И.С., Қудратов Ф.Ҳ., Пардаев М.Қ.⁷ илмий ишларида ҳам учратиш мумкин. Кейинги йилларда ҳам Нигматов А., Шамуратова Н.⁸, Ҳамидов О.⁹, Матёкубов У., Матжонов Б.¹⁰ каби олимлар ҳам Ўзбекистон иқтисодиётида туризм-рекреация ишлари бўйича илмий ишлар олиб борган бўлиб, бу илимий ишларда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларда экологик туризм индексини аниқланган ҳамда ялпи ички маҳсулотда экотуризм улушини ошириш имкониятларини экологик туризм даромадларини ривожлантириш орқали белгилаб берилган. Аммо шу пайтгача амалга оширилган изланишлар етарли даражада эмас ва мос равишда адабиётларда ҳам кам ёритилган. Ушбу ҳолат мазкур мавзуда тадқиқот олиб боришга асос бўлди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда илмий манбалар таҳлили, статистик маълумотларнинг қиёсий таҳлили, мазмуний таҳлил ҳамда экотуризм ривожлантириш борасидаги ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган. Бундан ташқари илмий-тадқиқотни амалга оширишда анализ ва синтез усулидан ҳам самарали фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Экотуризм туризм индустриясининг асосий ресурсини, яъни табиий муҳитни ёки унинг алоҳида компонентларини (табиат ёдгорликлари, ҳайвонлар ёки ўсимликларнинг айрим турлари ва бошқалар) сақлаб қолишдан ҳаётий манфаатдор бўлган ягона туризм йўналишидир. Маҳаллий аҳоли экотуризм жараёнига жалб қилинганда, уларда ҳам бу ресурслардан қазиб олиш эмас, балки бошқарув асосида фойдаланишга қизиқиш пайдо бўлади. Бу каби ташаббусларнинг барчаси бугунги кунда жуда ҳам муҳим.

Экотуризмнинг мақсади туризм орқали ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлигини ва узлуксиз ривожланишини таъминлашдан иборатдир. Экотуризм табиий

¹ Ceballos Lascurain, H. Tourism, Ecotourism and Protected Areas: the State of Nature-Based Tourism Around the World and Guidelines for Its Development / H. Ceballos Lascurain; IUCN Publications Services Unit. — Island Press, 1996. — 301 p.

² Fennell, D. A. Ecotourism. 3rd ed. / D. A. Fennell. — London: Routledge, 2007. — 282 p

³ Lindberg, K. Economic Aspects of Ecotourism / K. Lindberg // Ecotourism: a Guide for Planners & Managers. Vol. 2 / K.

Lindberg, M. E. Wood, D. Engeldrum (eds.). — Vermont: the Ecotourism Society, 1998. — P. 87—117.

⁴ Weaver, D. B. Sustainable tourism: theory and practice / D. B. Weaver. — Amsterdam; London: Elsevier Butterworth-Heinemann, 2006. — 240 p.

⁵ Wood, M. E. Ecotourism guidelines for nature tour operators / M. E. Wood. — North Bennington: Ecotourism Society, 1993. — 16 p.

⁶ Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2001. — 208с. Стр. 13.

⁷ Тўхлиев И.С., Қудратов Ф.Ҳ., Пардаев М., Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: "Иқтисодиёт ва молия", 2010. - 220 б.

⁸ Шамуратова Н.Т. Теория и практика экотуризма на примере Узбекистана// Узбекистан в Центральноазиатском регионе: география, геоэкономика, геоэкология Международная научно-практическая конференция, 2017. -131 с.

⁹ Khamidov, O. Improvement of Management Mechanisms in the Development of Ecological Tourism in Uzbekistan. Ph.D. Thesis, Tashkent State University of Economics, Toshkent, Uzbekistan, 16 November 2017.

¹⁰ Matyakubov, U.; Matjonov, B.; Kalandarov, J. Uzbekistan possesses the most considerable tourist potential in Central Asia. Eur. Fachhochsch. 2016, 2, 96–98...

ва маданий ресурсларни сақлаб қолиши ва айни пайтда маҳаллий аҳолига ҳам, ҳукуматга ҳам иқтисодий фойда келтириши мумкин бўлган энг муҳим фаолият турларидан биридир.

Экотуризмнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятлари аниқланган: табиат билан мулоқот қилиш истагини рағбатлантириш ва қондириш; табиатга саёҳат ва бундай саёҳатнинг асосий мазмуни тирик табиат билан, шунингдек, маҳаллий урф-одатлар ва маданият билан танишишдир; табиат ва маданиятга салбий таъсир кўрсатишнинг олдини олиш; экологик ва ижтимоий-маданий табиатнинг салбий оқибатларини минималлаштириш, атроф-муҳитнинг экологик барқарорлигини таъминлаш; табиатни ва маҳаллий ижтимоий-маданий муҳитни муҳофаза қилишга кўмаклашиш; табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишга кўмаклашиш; экологик таълим ва хабардорлик; маҳаллий аҳолининг иштироки ва уларнинг табиатни муҳофаза қилишда иқтисодий рағбатлантирувчи туризм фаолиятидан даромад олиши; иқтисодий самарадорлик ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш; ташриф буюрилган ҳудудларнинг барқарор ривожланишига кўмаклашиш.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистонда экологик туризм концепцияси қабул қилинди. Ушбу махсус ҳужжатда Ўзбекистон экотуризмнинг экологик ва ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий масалалари, мақсадлари, салоҳияти, ривожланиши муаммолари ёритилган.¹ Айни пайтда Ўзбекистонда 800га яқин туризм фаолиятини кўрсатувчи туроператорлик фирмалари, 600га яқин меҳмонхоналар, 30дан ортиқ муҳофазага олинган ҳудуд (кўриқхона, миллий боғ, нодир табиат ёдгорликлари ва ҳ.к.)лар, 60 та ўрмон хўжаликлари, фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Ўзбекистонда 400 дан ортиқ табиатнинг ноёб ёдгорликлари мавжуд. Қуйидаги жадвалда эса Ўзбекистон Республикасидаги сўнгги йиллардаги муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар майдони келтириб ўтилган(1-жадвал).

1-жадвал

Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар (минг гектар)²

Ҳудудлар	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	1 545,7	1 545,9	1 570,6	3 457,8	4 472,5
Қорақалпоғистон Республикаси	697,0	697,2	700,2	2 589,6	2 870,1
Андижон	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Бухоро	16,5	16,5	16,5	26,8	26,8
Жиззах	68,5	68,5	68,5	68,3	68,3
Қашқадарё	84,9	84,9	84,9	82,9	82,9
Навоий	0,0	0,0	0,0	0,0	734,2
Наманган	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Самарқанд	2,4	2,4	2,4	2,4	2,4
Сурхондарё	23,8	23,8	23,8	23,8	23,8
Сирдарё	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Тошкент	642,3	642,3	642,3	642,3	642,3
Фарғона	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0
Хоразм	10,3	10,3	32,0	21,7	21,7
Тошкент шаҳри	0,0	0,0	0,0	0,0	0,0

Юқоридаги жадвалдан шуни кўришимиз мумкинки, Ўзбекистон Республикасида муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг майдони 2018 йилдан 2022 йилгача қарийб уч баробарга кенгайтирилган. Ҳудудлардаги салмоқли ўсишлар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Хоразм вилоятларида кузатилган, энг аҳамиятлиси, Навоий вилоятида

¹ <http://lex.uz.>docs>

² <http://www.stat.uz>

2022-йилга қадар табиий муҳофаза қилинадиган ҳудудлар умуман бўлмаган ва ушбу йилга келиб ҳудудда 734,2 минг гектар майдон ташкил этилиган. Бу каби ўзгаришлар табиий ҳудудларга бўлган қизиқишни ортишига ва экотуризм соҳасининг ривожланишига туртки бўлади.

Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасини сезиларли даражада яхшилаш, янги иш ўринлари яратиш ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш имконини берувчи экотуризмни ривожлантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистоннинг экотуризм имкониятлари хилма-хил ва бой, жумладан, Уғом-Чотқол давлат табиий боғи, Амударё дельтасидаги соҳилбўйи ўрмонлари, Орол денгизидаги экологик ҳалокат минтақаси, чўл рельефи ва Қизилқум чўли, тоғлар ва Жиззах вилоятининг Фориш туманидаги Нуратин Айдаркул кўли шулар жумласига киради.¹ Ҳозирги босқичда Ўзбекистон экотуризмнинг машҳур йўналишлари бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди.

Хулоса ва таклифлар. Ушбу мақолада экотуризм концепциясининг назарий асослари ва жиҳатлари очиқ берилди, юқорида берилган таърифларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, фикримизча, экотуризм – бу, туризмнинг табиий, маданий ва ижтимоий қадриятлар билан мослашадиган ҳамда табиатнинг табиий муҳитда уйғунлашувини тарғиб қиладиган ва маҳаллий аҳолининг турмуш тарзини ўзгартирувчи махсус соҳасидир. Асосий вазифа экотуристлик соҳа тижорат жиҳатидан ўзини оқлаши, экологик жиҳатдан барқарор бўлиши ва маданиятга нисбатан масъулият билан ёндашув механизмини яратишдан иборат. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун бир қанча вазифаларни белгилаб олишимиз зарур:

-экотуризм таълими ва амалиётининг назарий асосларини ишлаб чиқиш; экотуризм орқали аҳолининг экологик онги ва маданиятини ошириш;

-экотуризм йўналишида таълим ва тарбияни шакллантириш;

- экотуризм мутахассисларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

-экотуризм индустриясини ривожлантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва унинг ҳуқуқий механизмини яратиш;

-экотуризм объектларининг кадастрини юритиш ва уларни комплекс баҳолаш, экотуризм мониторингини ўрнатиш;

-Ўзбекистон ҳудудини экотуризм учун зоналаш, биологик хилма-хилликни сақлаш;

-экотуристлар учун табиатнинг талабларини ўрганиш;

-ҳудуднинг экотуризм имкониятларини аниқлаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш катта имкониятларга эга бўлиб, мамлакатимизнинг табиий ва маданий салоҳиятини тўлиқ намоён этиш ва иқтисодий самара олиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони // lex.uz.
2. Allanazarov, K.; Alimov, A. The model of the development of ecotourism in special protected areas. Uzbekistan in the Central Asia Region: Geography, Geoeconomics, Geoecology. In Proceedings of the International Scientific and practical Conference, Tashkent, Uzbekistan, 14–15 June 2019.
3. Ceballos Lascurain, H. Tourism, Ecotourism and Protected Areas: the State of Nature-Based Tourism Around the World and Guidelines for Its Development / H. Ceballos Lascurain; IUCN Publications Services Unit. — Island Press, 1996. — 301 p.
4. Fennell, D. A. Ecotourism. 3rd ed. / D. A. Fennell. — London: Routledge, 2007. — 282 p
5. Khamidov, O. Improvement of Management Mechanisms in the Development of Ecological

¹ Алланазаров, К.; Алимов, А. The model of the development of ecotourism in special protected areas. Uzbekistan in the Central Asia Region: Geography, Geoeconomics, Geoecology. In Proceedings of the International Scientific and practical Conference, Tashkent, Uzbekistan, 14–15 June 2019.

- Tourism in Uzbekistan. Ph.D. Thesis, Tashkent State University of Economics, Toshkent, Uzbekistan, 16 November 2017./
6. Lindberg, K. Economic Aspects of Ecotourism / K. Lindberg // Ecotourism: a Guide for Planners & Managers. Vol. 2 / K. Lindberg, M. E. Wood, D. Engeldrum (eds.). — Vermont: the Ecotourism Society, 1998. — P. 87—117.
 7. Matyakubov, U.; Matjonov, B.; Kalandarov, J. Uzbekistan possesses the most considerable tourist potential in Central Asia. Eur. Fachhochsch. 2016, 2, 96–98...
 8. Шестакова Э.С., Рудйк А.Н., Бутова Т.Г. [Functions of Ecological Tourism]. Сервис в России и зарубежом [Service in Russia and Abroad], 2016, iss. 2 (63), pp. 239–252. Available at: <https://readera.org/140205474> (accessed 12.03.2021).
 9. Weaver, D. B. Sustainable tourism: theory and practice / D. B. Weaver. — Amsterdam; London: Elsevier Butterworth-Heinemann, 2006. — 240 p.
 10. Wood, M. E. Ecotourism guidelines for nature tour operators / M. E. Wood. — North Bennington: Ecotourism Society, 1993. — 16 p.
 11. <http://lex.uz>
 12. <http://wwwstat.uz>
 13. Тўхлиев И.С., Кудратов Ф.Х., Пардаев М., Туризмни режалаштириш. Дарслик. - Т.: "Иқтисодиёт ва молия", 2010. - 220 б.
 14. Тухлиев Н., Таксанов А. Экономика большого туризма. Т.: «Узбекистон миллий энциклопедияси», 2001. — 208с. Стр. 13

П.Холматова	P.Kholmatova
Экономическое и социальное значение развития экотуризма в Узбекистане	Economic and social significance of developing eco-tourism in Uzbekistan
<p>Аннотация: в статье описаны сущность, цели и задачи экотуризма, теоретическая концепция, а также приоритетные направления развития экотуризма в Узбекистане. Кроме того, в данной статье рассматриваются конкретные аспекты экотуризма и, изучив факторы, влияющие на его развитие, вносятся соответствующие предложения по данной проблеме.</p> <p>Ключевые слова: туризм, культурный туризм, экотуризм, заповедник, экология, природные ресурсы, экологическая безопасность, цель экотуризма, особенности экотуризма, охрана окружающей среды, устойчивое развитие.</p>	<p>Abstract: the article describes the essence, goals and tasks of ecotourism, the theoretical concept, as well as the priority directions of the development of ecotourism in Uzbekistan. In addition, this article examines the specific aspects of ecotourism and, having studied the factors influencing its development, makes appropriate proposals for this problem.</p> <p>Keywords: tourism, cultural tourism, ecotourism, reserve, ecology, natural resources, environmental safety, purpose of ecotourism, features of ecotourism, environmental protection, sustainable development.</p>

Kamol Sharifovich Yuldashev — Ipak yo‘li xalqaro turizm va madaniy meros universiteti tayanch doktoranti, Buxoro davlat universiteti o‘qituvchisi

SAYOHATNI MUSTAQIL REJALASHTIRISHDA QO‘LLANILADIGAN AXBOROT TEKNOLOGIYALARI VA UNING BOSQICHLARI

<p>Annotatsiya: maqolada sayohatni mustaqil tuzishda afzalliklar hamda uning bosqichlari ketma-ketlikda tahlil qilinib, statistik ma’lumotlar orqali yoritilgan. Turpaketni mustaqil loyihalashtirish jarayonida asosiy va qo‘shimcha turistik xizmatlar, ya’ni havo va temir yo‘l transportlari chiptalari, mehmonxona, ovqatlanish xizmatlarini turli xil veb-sahifalar va boshqa metodlar orqali band qilish yo‘llari haqida tavsiyalar ishlab chiqildi.</p> <p>Kalit so‘zlar: mustaqil turizm, sayohatni mustaqil rejalashtirish, onlayn band qilish tizimlari, mustaqil turistlar uyushmasi, sayohatni mustaqil ravishda uyushtirish bosqichlari.</p>
--

Kirish. Bugungi kunga kelib zamonaviy turistlar o‘z sayohati davomida erkinlikni afzal ko‘rishmoqda. Ularga o‘zlari xohlagan tezlikda harakatlanish va ehtiyojlariga javob bera oladigan xizmatlar zarur. Bugungi kunga kelib sayohatni mustaqil shakllantirishda internet

ISSN 2091-5187

❧ “СЕРВИС” ❧

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

27.05.2024 йилда теришга берилди. 14.06.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0076В/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.